



2017 йил «20» январь

№ 804

**2017 йилда манзилли дастур  
асосида қурилиши режалаштирилган  
Дорихона биносини қуриш учун ер  
майdonи танлаб ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси «Шаҳарсозлик кодекси»нинг 20-моддаси, Ер кодекси»нинг 6,26-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги №54-сонли «Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда кишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида 2016 йил 18 ноябрдаги «Узшаҳарсозлик ЛИТИ» ДУК билан келишилган №1-10/4381-сонли келишув хатини, Самарқанд вилояти табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг 2016 йил 13 декабрдаги 1828-сонли экологик экспертиза хулосасини, Нуробод тумани Ағрон маҳалла фуқоролар йиғини ҳудудида яшовчи Бобоёров Зафар томонидан, Нуробод туманининг 2017 йил манзилли дастур асосида қурилиши режалаштирилган Нуробод шаҳри Шарқ Юлдузи маҳалла фуқоролар йиғини ҳудудидан туман ҳокимлиги захирасида бўлган 0,018 гектар ер майдонига Дорихона биноси қуриш учун ер майдони танлаш ва ажратиш тўғрисида қарор чиқариб беришни сўраб ёзган аризаси ҳамда туман ҳокимининг 2011 йил 18 августдаги №81-Ф-сонли фармойишига асосан тузилган ер учаскасини танлаш бўйича ишчи комиссиясининг 2017 йил 19 январдаги далолатномасини кўриб чиқиб,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Нуробод шаҳри Шарқ Юлдузи маҳалла фуқоролар йиғини ҳудудидан туман ҳокимлиги захирасида бўлган 0,018 гектар ер майдонига Дорихона биноси қуриш учун ер майдони танлаш ва ажратиш тўғрисида ишчи комиссиясининг 2017 йил 19 январдаги далолатномаси тасдиқлансин.
2. Бобоёров Зафарга куйидаги вазифалар юклатилсин:  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги №54-сонли қарорида кўрсатилган муддат ва талаби асосида

АРТ (архитектура режалаштириш топшириғи) ҳамда лойиха ҳужжатларини тайёрлаш.

-вилоят Давлат архитектура ва қурилиш назорат инспекциясидан қурилишни амалга оширишга рухсат олиб, қурилиш ишларини уч йил муддат ичида тугатиш:

-қурилган бино атрофида экологик ҳолатни сақлаш ҳамда ободончилик ишларини олиб бориш:

-тасдиқланган қурилиш лойихаси асосида қурилишни амалга ошириш:

-қурилиш ишлари тугаши билан бинони фойдаланишга рухсат бериш учун туман ҳокимлигига мурожаат қилиш:

3. Туман бош архитектори (Ж.Абдуллаев)га Бобоёров Зафар томонидан тасдиқланган қурилишни лойиха асосида қуриш ишларини амалга оширилишини назорат қилиш топширилсин.

4. Ер участкасини натурага кўчириш ишларини “Ўз ГАШКЛИТИ” ДУК нинг вилоятдаги ваколатхонаси билан биргаликда амалга ошириш туман архитектура ва қурилиш бўлими (Ж.Абдуллаев) ва туман “Ер ресурслари ва давлат кадастри” бўлими (Ф.Эргашев)лар зиммасига юклатилсин.

5. Бобоёров Зафар томонидан уч йил муддат ичида тасдиқланган қурилиш лойихаси асосида қурилиш ишлари амалга оширилмаса, ушбу қарор ўз кучини йўқотди деб ҳисоблансин.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилишни туман ҳокимининг биринчи ўринбосари О.Джураев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими в.б



Б.Эргашов